

## МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР БОЛА ТАРБИЯСИДА

Жиззах Давлат Педагогика Институтини ўқитувчиси **Саидов Журъат**.

### Аннотация

Ушбу мақолада муаллиф миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бола тарбиясидаги роли ва аҳамияти ҳақида фикр юритади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос қадриятлари бўлгани каби умуминсоний қадриятлар ҳам борки уларни бола тарбиясида уйғунликда, чамбарчас боғлиқликда бола онгига сингдириб борилиши мақсадга лойиқлиги таъкидланган.

В данной статье автор затрагивает вопросы касающийся воспитанию ребенка на основе общечеловеческих и национальных ценностей узбекского народа. Подчеркивается отличие и общее общечеловеческих и национальных ценностей, а также о целесообразности их взаимного использование при воспитание детей дошкольного возраста.

In this article, the author touches upon issues related to the upbringing of a child on the basis of universal and national values of the Uzbek people. Emphasizes the difference and common universal and national values, as well as the expediency of their mutual use in the education of preschool children.

### Калит сўзлар:

Тарбия, жамият, давр талаби, шахс, умуминсоний қадриятлар, миллий қадриятлар, таълим-тарбия, менталитет, оила, мактаб, боғча, маҳалла ҳамкорлиги.

### Ключевые слова:

Образование, общество, требования времени, личность, общечеловеческие ценности, национальные ценности, образование, менталитет, семья, школа, детский сад, общественное сотрудничество.

### Keywords:

Education, society, requirements of the time, personality, universal values, national values, education, mentality, family, school, kindergarten, social cooperation.

Зарурат ва давр талаби бу ахлоқий тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ролини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ёш авлодни тарбиялаш муҳимлигидир. Хозирги даврда миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг ёш авлод тарбиясида тутган ўрни ва ролини тўғри аниқлаш, улар ўртасидаги ўзига хос алоқаларни, урф-одатлар, расм-русумлар, қоидаларга муносабатини аниқлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни тўғри юлга қўйиш; шунингдек, уларни ёш авлодни ахлоқий тарбиялашда қўллашнинг мақбул вариантларини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга, чунки бу таълим ва тарбиянинг қонуний хусусиятларини ҳисобга олиш, шунингдек улардан мактабгача таълим ташкилотларида фойдаланиш имконини беради.

Тараққиётга, халқ турмуш даражасини юксалтиришда маънавий етукликнинг ўрни беқиёсдир. Халқ удумлари, урф-одатларига риоя қилиш тараққиёт, соғлом ва маданиятли жамият қуриш йўлида олиб бориладиган ишларга ижобий самара бериши мумкин.

Ушбу жараён анча мураккабдир. Гап шундаки, миллий ва умуминсоний қадриятлар мураккаб билимлар, дунёқарашлар, анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, туйғулар ва бошқаларнинг бой арсеналини қамраб олади, дунё ягона бўлган шароитда у ҳақида кўплаб фикрлар ва қарашлар мавжуд.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар турли йўналишларга эга: таълимот қоидалари, муносабат, фикр, нуқтаи назар ва бошқа миллий ва умуминсоний дурдона асарлар, анъаналар, маросимлар, одатларни ўз ичига олган фалсафий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, психологик, педагогик, тиббий, адабий, меъморчилик, санъатшунослик, ва бошқалардир. Ўз даврида эса улар шиор, мурожаат, низом, кўрсатма, юл-юриқ вазифасини ўтайди ва уларга риоя этиш

хамма учун мажбурий бўлган қонун ва тартиб бўлиб келган. Булар инсон ҳаётига, бутун жамиятга тартиб, гўзаллик ва яхши фазилатлар олиб киради. Хуллас, миллий ва умуминсоний кадриятлар инсонни улуғлайдиган, поклайдиган, ҳақиқат йўлига бошловчи, ақл-идроққа, эҳтиёжга даъват этувчи кадрли, ифодали, ҳар бир инсон учун фойдали, бетакрор, ибратли ва муқаддас бўлган барча нарсаларни қамраб олади. Буларни ўрганиш ва келажакда худди шундай ажойиб дурдоналарни яратиш учун билим олиш зарур. Уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам худди шундадир.

Ушбудан келиб чиқиб хулоса қилишимиз мумкинки, миллий ва умуминсоний кадриятлар ўзига хослиги ва қимматига кўра, шубҳасиз, замонавий тарбия ва педагогика фанини бойитиши мумкин.

Ўтмишдан қолган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, миллий ва умуминсоний кадриятлар муайян халқларнинг муайян тарихий шароит ва замонларда ўзига хос фаолияти натижасилиги маълум бўлади.

Бинобарин, миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳам, ижтимоий ҳаёт ҳам доимий ҳаракатда бўлиб, жамият, халқ ёки миллатлар тараққиёти сари мос равишда ўзгаришларга учрайди, одамлар ҳаётининг янги даври учун мақбул бўлган янги шакл, хусусият ёки мақсадга эга бўлади ва авлоддан-авлодга ўтиб бораверади.

Замонамиз педагогика фани ёш авлодни ахлоқий тарбиялашда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ролини белгилашда юқоридагилардан, яъни миллий кадриятларнинг шахсни (ахлоқий) тарбиялашдаги ролини белгилашда, эстетик, ахлоқий, меҳнат, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ажойиб адабиёт асарлари, халқ амалий санъати дурдоналари, давлат рамзларидан фахрланиш орқали. келиб чиқиши керак.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Theoretical bases of upbringing of preschool children in the national spirit in the organizations of preschool education

SJ Sodirovich - 2021

2. Хасанова, Г. И. Қ. (2021). Болага йўналтирилган таълимни амалга оширишда тарбиячининг касбий компетентсиясининг ахамияти. *Academic research in educational sciences*, 2(9), 1051-1056.
3. Xasanova, G. (2021). МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNI NUTQINI GRAMMATIK TUZILISHINI SHAKLLANTIRISH. *Мактабгача таълим журнали*, 4(Preschool education journal).
4. Xasanova, G. (2021). МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARGA QO'L MEXNATI ORQALI AQLIY TARBIYA BERISHNING MAZMUNI. *Мактабгача таълим журнали*, 4(Preschool education journal).
5. Xasanova, G. (2021). SHARQ MUTAFFAKKIRLARINING OILADA FARZAND TARBIYASIGA OID QARASHLARI. *Мактабгача таълим журнали*.
6. OILA MUHITIDA FARZAND VA UNING TARBIYASI  
X Rahmonqulova - Архив Научных Публикаций JSPI, 2020  
Похожие статьи
7. МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNI KITOBXONLIKKA MEHR UYG'OTISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI  
X Rahmonqulova - Архив Научных Публикаций JSPI, 2020  
Похожие статьи Все версии статьи (2)
8. SHARQ MUTAFFAKKIRLARINING OILAVIY MUNOSABATLARNI TARKIB TOPTIRISHGA OID QARASHLARI  
M Norquziyeva - *Мактабгача таълим журнали*, 2021  
Все версии статьи (28)
9. МАКТАБГАЧА TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARNING МАКТАБ TA'LIMIGA AXLOQIY TAYYORGARLIGINING MEZONI  
M Norquziyeva - *Мактабгача таълим журнали*, 2021  
Все версии статьи (27)
10. XALQ OG'ZAKI IJODI ASOSIDA O'QUVCHILARNI MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASH: XALQ OG'ZAKI IJODI ASOSIDA O'QUVCHILARNI MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASH  
M Norquziyeva - *Журнал дошкольного образования*, 2021  
Цитируется: 5 Все версии статьи (14)

1. Gulnora Kushakova, Мактабдаги ёшдаги болаларни толерантлик рухида тарбиялаш, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №58 ([science.i-edu.uz](http://science.i-edu.uz), [jspi.uz](http://jspi.uz))
10. Gulnora Kushakova, ABU NASR FAROBİY IJODIDA OILADA FARZANDLARNI AHLOQIY TARBIYALASHNING AHAMIYATI NAQIDA, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №45 ([science.i-edu.uz](http://science.i-edu.uz), [jspi.uz](http://jspi.uz))
11. Buranova, S. (2021). МАҲАЛЛА, ОИЛА ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ. Мактабгача таълим журнали.
12. Buranova, S. (2020). МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ОИЛАДА БОЛА ШАХСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.